

Сийрат дарслари (116-дарс). Набий алайҳиссалом душанба ва пайшанба кунлари рўза тутар эдилар



14:00 / 25.12.2020 4070

452. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Эй Абдуллоҳ ибн Амр! Сен кечани бедор ўтказиб, доимо кундузнинг рўзасини тутар эмишсан? Агар сен шундай қиладиган бўлсанг, кўзинг заифлашади. Ким доимий рўза тутса, рўза тутмаган бўлади. Ойдан уч кун рўза тутиш оининг рўзасини тутиш кабидир»**, дедилар. «Менинг ундан ҳам кўпига тоқатим етади», дедим. **«Унда, Довуднинг рўзасини тут. У бир кун тутиб бир кун очар ва тўқнашганда қочмас эди»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

453. Абу Айюб Ансорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Рамазон рўзасини тутиб, кетидан шавволдан олти кун рўза тутса, йил бўйи рўза тутгандек бўлади»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

454. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам душанба ва пайшанбанинг рўзасини тутар эдилар».

Термизий, Насоий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

455. Абу Зарр Ғифорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ҳой Абу Зарр! Бир ойдан уч кун рўза тутадиган бўлсанг, ўн уч, ўн тўрт ва ўн беш(инчи кунларнинг рўзаси)ни тут»**.

Термизий, Насоий ва Ибн Ҳузайма ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан